



2020 yil « 13 » *январ*

№ *32-V*

Toyloq sh. – г. Тойляк

Туман хокимлиги захира ерлари ҳисобидан Сочак маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Нематов Шодиқул бошлиқ фермер хўжалик ташкил қилиш ҳамда ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30-октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган низом, Адлия вазирлигидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, туман хокимлиги захирасига қайтариб олинган ер майдонлари бўйича фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун танлов ўтказиш комиссиясининг 2020 йил 7 январдаги 1-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1.Туман ҳокимлиги захирасига олинган ер майдонларида танлов асосида фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилган танлов қарорига асосан танловда ғолиб деб эълон қилинган Сочак маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Нематов Шодиқулга ғаллачилик, сабзавотчилик, узумчилик, пиллачилик йуналишида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжалигига Сохибкор массиви ердан фойдаланиш харитасининг 58.59,418-контурларидан жами 8.7 гектар, шундан 2.9 гектар сўғориб ҳайдаладиган, 5.5 гектар узумзор, 0.2 гектар тутзор, 0.1 гектар ариқ ва зовурдан иборат ер майдони 37 (ўттиз етти) йил муддатга ижарага берилсин.

2.Белгилаб қўйилсинким, келажакда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида давлат эҳтиёжи учун манзилли дастурларни ижросини таъминлаш белгиланганда узок муддатли ижара шартномасига тегишли ўзгартириш киритилиши кўрсатиб ўтилсин.

3.Туман Давлат хизматлар маркази (З.Нуриддинов)га фермер хўжалик Низомини қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва бу ҳақида тегишли ташкилотларга маълумот бериш топширилсин.

4.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ж.Ҳайитов)га Сочак маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Нематов Шодиқулга бошлиқ фермер хўжалигига ер майдонини ажратиб бериш, фермер хўжалигига тегишли ҳужжатлар расмийлаштириш ва уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан тўғри мақсадда фойдаланишни назорат қилиб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 53-моддасида кўрсатилган талабларни бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5.Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Ш.Шарипов)га фуқаро Нематов Шодиқулга бошлиқ фермер хўжалигига бюджет билан бўлган ҳисоб китобларни белгилаб бериш ва қонунда белгиланган тартибда солиқ ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

6.Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

7.Ушбу қарорни тасдиғи Самарқанд вилоят ҳокимидан сўралсин.

Туман хокимлиги



Б.Бабоназаров